



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 20 (10.073)

2004 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ



СУРАТДА: «Тошкент чини заводи» акционерлик жамиятининг лаборатория мудираси (чапда) Уяйлой Йўлдошева ҳамда тажрибали рессом Муҳаббат Намозова маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

Ҳакимжон Солихов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

С.Т.Иномовани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин- қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Светлана Турсуновна Иномова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 январь

XXI саҳоси
ХАҚИ
Барча навбалларда
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовга Америка Кўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Роберт Пурнелл ишонч ёрлигини топширди. АҚШ элчиси ўзaro алоқалар жуда яхши ривожланиб келаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, хайрли ишларнинг давомчиси бўлиш ўзи учун катта шараф эканлигини кайд этди.

● Андижон давлат университетиде хоржий тилларни ўқитишни тақомиллаштиришга бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Давр садолари» мусика фестивали ниҳоясига етди.

● Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси жорий йилда «Фарҳод» ва «Муруват» фахрийлар уйлари тўла таъмирдан чиқаришни режалаштирди.

● Хивада жойлашган «Аранчи» хусусий меҳмонхонаси сайёҳлар базаси ва кемпингларнинг халқаро рўйхатига киритилди.

Жаҳонда

● Россияда Президент сайловига бир ойдан кўпроқ вақт қолди ва асосий номзодлар деярли маълум бўлди. Утказилган суровларга кўра Владимир Путиннинг сайловда 70 фоиздан кўпроқ овоз олиши тахмин қилинмоқда.

● «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакат Конституциясига имзо чекиди ва у шу ҳафтадан бошлаб кучга кирди.

● Грузиянинг Абхазия ўлкаси билан chegaradosh Лиа қишлоғи полиция қўриқлаш пунктда куролли тўқнашув содир бўлди. Отишма чоғида тўрт нафар грузин полициячиси ва иккита абхазиялик жангари ҳалок бўлган.

● Бағдоддаги «Шаҳин» меҳмонхонаси ёнида қучли портлаш рўй берди. Натижада бинога жиддий зарар етди. Атрофдаги бир неча машиналар куйиб қол бўлди. Ушбу террорчилик ҳаракати оқибатида камиде уч киши ҳаётдан кўз юмди.

● Лос-Анжелесдаги киноакадемия биносида навбатдаги «Оскар» мукофоти тақдироти учун номзодлар рўйхати эълон қилинди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

● **БУГУН** Ўзбекистон республикаси Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими тасарруфидеги 509 нафар кам таъминланган қарияларга Меҳр ва муруват йили муносабати билан дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўхфа этилди.

● **БУГУН** Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига қарашли «Умид» болалар спорт марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Катта Қозиробод» маҳалласида Меҳр ва муруват йилига бағишлаб туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликлариде уюштирилган тадбир «Меҳр қолур — оқибат қолур» деб номланди.

● **ЎЗБЕК** киноси усталари томонидан Вали Ғози сценарийси асосида янги «Қизилжарлик Эшмат» деб номланган бадиий фильм суратга олинди. Фильмдаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Жолмедов ҳамда Валижон Шамшиевлар ижро этишган.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтиде «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий ўқув юртлири етакчилари иштирокида тадбир уюштирилди.

● **ЎЗБЕКISTON** Ногиронлар жамияти қошида компьютер маркази фаолият бошлади. Эндиликде йилига 180 нафар меҳрга ташна инсонлар компьютер сирларини бепул ўрганиш имкониятига эга бўлишди.

● **ЮНУСОБОД** туманида истиқомат қилаётган меҳрга ташна болаларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан совғалар тўхфа этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик алоқалари қадимий тарихга эга. Мустақиллик йилларида бу муносабатлар янада юқори босқичга кўтарилди.

Бу борада Кунчиқар мамлакатда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Япония-Ўзбекистон», «Фукусима-Ўзбекистон» каби уюшмалар самарали иш олиб бораётир. Ҳар иккала мамлакат маданият кунларининг ўтказилиши, мусиқий жамоаларимизнинг Японияга ижодий сафарлари яхши анъанага айланди.

Ўзбекистон хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ташкил этилган учрашувда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Учрашувда Япониянинг юртимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясида давом этаётган аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги машғулотиде адлия вазири А.Полвозода ижтимоий-иқтисодий соҳаларга доир, хусусан, қишлоқ хўжалигига оид қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси ҳақида маъруза қилди.

Республика адлия идоралари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузаётган шартномаларининг тўла бажарилишига

эришиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига назорат идораларининг ноқонуний аралашуви ҳолатларига чек қўйиш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада «Текширишларни рўйхатта олиш китоби»нинг жорий

этилгани катта аҳамиятга эга бўлди.

Лекин жойлардаги айрим идоралар раҳбарлари, жумладан, баъзи туман ҳокимлари ҳанузгача хусусий мулк эгалари фаолиятига ноқонуний аралашуш мумкин эмаслигини тўла англаб етмапти.

Семинарда ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти директори Р.Хусанов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари М.Юсупов ва бошқа мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

Анжуманлар

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ

Мамлакатимизда чикиндиларининг инсон саломатлиги ва табиатга етказётган зарарини камайтириш, улардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш мақсадида кенг кўламда иш олиб борилляпти.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли сув таъминоти, канализация, гидротехно иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институтини ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги /JICA/ томонидан ишлаб чиқариш чикин-

диларини бошқаришда замонавий технологияларнинг ўрнига бағишлаб ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда мамлакатимиздаги етакчи саноят корхоналари мутахассислари бу борада Япониядаги мавжуд тажриба билан яқиндан таништирилди.

ЎЗА

Иқтисодий

КУЛАЙ,
ЧИРОЙЛИ.
ЭКОЛОГИК ТОЗА...

Фарзандларимизнинг чуқур билим олишлари, касб-хунар ўрганишлари учун улар тахсил олаётган академик лицей ва коллежларда ўқув хоналарининг талаблар даражасида жиҳозланиши муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Shax-Polan-M» Ўзбекистон-Польша қўшма корхонасида ўқув юртлири учун сифатли, кулай, чиройли, экологик тоза хом ашёдан мебель маҳсулотлари ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг 90 нафарга яқин ишчи-хизматчилари ишлаб чиқарган маҳсулотлар нафақат шаҳримиз, балки республика бўйлаб ўз миқдорларини мамнун этмоқда.

Мазкур қўшма корхона цехларига ўрнатилган замонавий хорижий линиялар ишда яхши самара бермоқда. Ўқувчиларга мўлжалланган бир, икки ўринли стол, ҳар хил ҳажмли стул, ошхона учун туркум мебеллар, шунингдек, махсус фан хоналарига мўлжалланган компьютер, лингафон, ёзув столлари каби кўплаб сифатли анжомлар миқдорларнинг хоҳиш-истагига қараб турли рангларда тайёрланади.

Ички бозоримизни ўрганиб тинмай изланаётган корхона тadbirkorлари янги йилда улкан режаларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Жорий йилда қўшма корхона жамоаси маҳсулотлари турларини кўпайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишни кўзда тутган.

ХИЛЛАРИ
КўПАЯДИ

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган хусусий тadbirkor «Йўлдошева» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони жорий йилда бир нечтага кўпайиши режаланган.

Ўтган — 2003 йилда иш бошлаган хусусий тadbirkor Фарида Йўлдошева ички бозорни ўргана бориб, ишлаб чиқариш цехида халқимиз севиб истеймол қиладиган нововт ва ирис конфетларини тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ қилиш йўлида изланиб, саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Этиборли томони, бугунги кунда тadbirkor ишлаб чиқараётган араҳис конфетчалари ерэнгоқ, майизли бўлиб, улар маҳалли хом ашёдан тайёрланади ҳамда чиройли қилиб қадоқланмоқда. Бу эса нозиктаб харидорни мамнун этади, албатта. Тadbirkor аёл келгусида маҳсулотнинг рақобатбардор турларини кўпайтириб, ички бозорни сифатли ширинликлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Муқаддас
УМАРБЕКОВА

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар
бозори ривожланмоқда

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази маълумотларига асосан, 2004 йил бошидаги ҳолатга кўра, республикада умумий эмиссия ҳажми 2361,01 миллиард сўмга тенг бўлган 12985 акциялар чиқарилиши ҳолати рўйхатга олинган, шу жумладан ўтган йили умумий эмиссия ҳажми 111 миллиард сўмга тенг бўлган 514 акциялар чиқарилиши ҳолати рўйхатга олинган. Айтиш мумкин, 2002 йилга нисбатан корпоратив облигациялар чиқарилиши ҳолати рўйхатга олинган. 2002 йилга нисбатан корпоратив облигациялар эмиссияси ҳажми 64 фоизга ортган.

Ўтган йили қимматли қоғозлар бозорининг ялпи айланмаси 93 миллиард сўмдан ошди ва 2002 йилга нисбатан қарийб 2 мартаба кўпайди. Биржа бозорига шу даврда эркин муомаладаги валютада тўзилган битимларни қўшиб ҳисоблаганда умумий қиймати 32 миллиард сўмлик акциялар сотилди. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига умумий қиймати 65 миллиард сўмдан

ортиқ акциялар сотилди. Тавқидлаш жоизки, 2003 йилда «Тошкент» республика фонд биржасида (РФБ) хусусийлаштирилган корхоналар акциялар пакетларини сотиш ҳажми 49 фоизга ортди.

Иккиламчи бозорининг умумий айланмаси ўтган йили 28 миллиард сўмни ташкил этди. Биржа иккиламчи бозорининг солиштирма салмоғи биржанинг умумий айланмасига нисбатан 41,4 фоиз-

ни ташкил этди. Ҳисобот даврида иккиламчи биржа бозорига 899 та эмитент акциялари билан битимлар амалга оширилди, вақолаки 2002 йилда 425 та эмитент акциялари билан савдо қилинган эди. Қўрилган қоралар «Тошкент» РФБ савдо майдончаларида очилган акциядорлик жамиятлари акциялари олди-сотдиси бўйича битимларнинг марказлашуви ҳамда савдо ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Жорий йилнинг бошидаги ҳолатга кўра, республикада 302 та инвестиция институти рўйхатга олинган, улардан 138 таси Тошкентда жойлашган. Бугунги кунда республикада 33 та турли инвестиция жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур марказ қимматли қоғозлар бозори, тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи бўлиб, инвесторларнинг қорхона (акциядорлик жамияти)ни бошқариш ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, дивидендлар олиш бора-сидаги чора-тадбирларни амалга оширади.


ЎЗА

Пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига қарашли Тошкент матбаа комбинатининг мазкур соҳада ўзининг алоҳида ўрни бор.

ТАНЛОВ
ҒОЛИБЛАРИ

Ушбу корхонанинг 600 дан ортиқ малякали ишчи-хизматчилари меҳнат қилаётган цехларида жаҳон талаблари даражасидаги дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган. Улар ёрдамида кўплаб турдаги сифатли, бежирим матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг турлари кўпайиб, шунинг баробарида сифати ҳам кўтарилиб бориши учун мавжуд имкониятлардан, замонавий линиялардан унумли фойдаланяпмиз, — дейди комбинат директори Зоир Исажонов. — Юртимизда кичик ва хусусий бизнес ривож учун яратилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланаётган тadbirkorларимиз матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида бизга муносиб рақиб эканликларини унутмаслигимиз керак. Шу



боисдан ҳам маҳсулотларимиз рақобатбардорлигини таъминлаб, бугунги нозиктаб харидор этиборини қозониши ҳамда ички бозоримизда ўз ўринини топишимиз учун тинмай изланиш олиб бораёпмиз.

Ўтган — 2003 йилда корхонага яна бир хорижий юксак унумли офсет техникаси келтирилиб ўрнатилди. Унинг ёрдамида турли ҳажмдаги рангли плакатлар ҳамда озиқ-овқат саноати учун ранг-баранг этикеткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда кўплаб буюртмалар бажарилди.

Мазкур корхонанинг босма, рақамли технологиялар цехларидаги ускуна, дастгоҳларда жаҳон андозларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш кафолатланган бўлиб, жамоа аҳли томонидан муҳр ишлаб чиқариш, тезкор бадийи цех ҳамда чипта цехларида муҳр, штамп, клише, гувоҳнома, диплом, таклифнома, ташриф қоғозларининг ўзидан йигирма бешдан ортиқ хили тайёрланмоқда.

Ўтган 2003 йилда корхонада ҳаммаси

бўлиб 4 миллиард 969,4 миллион сўмлик матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ҳамда режа 102 фоизга удаланди. Жумладан, 85,4 миллион нашриёт-ҳисоб табағи ва 275,2 миллион сўмлик қоғоз ҳамда турли ҳажмли дафтарлар ишлаб чиқарилди.

Ушбу комбинат жамоаси жорий йили ҳам улкан мақсадларни кўзлаган ҳолда эзгу ниятлар билан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири январи ойининг ўрталарида ўтказган танловда ғолиб бўлди. Матбаа-чипта 2,3-синфлар учун дарсликларни чоп этишади. Яъни, корхонада 500 миллион сўмлик 1 миллионга яқин китоб ишлаб чиқарилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: корхона сараловчиси **Онабиби Ҳайдарова** маҳсулотлар сифатидан мамнун; республикада чоп этиладиган дарсликларнинг олтинчи фоизи матбаа комбинати ҳиссасига тўғри келади.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ДАРСЛИКЛАР
СИНОВДАН
ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада республика Халқ таълими вазири ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётла, нашр этиш тизимини такомиллаштириш» дастури ўз самарасини бермоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳа 2000 йилда бошланган бўлиб, унинг дастлабки босқичида мактаб дарсликларининг ижара тизими синовдан ўтказилди. Лойиҳанинг 2003-2004 ўқув йилига мўлжалланган навбатдаги босқичида мактаб ўқув дастурига тавсия этилаётган айрим дарсликларнинг сифати ва мазмуни синовдан ўтказилади.

Илгарилар дарсликлар нашр этиларкан, орадан кўп вақт ўтмай уларнинг айримлари мазмун талабга жавоб бермай қоларди. Дарсликларнинг ўқувчи учун тушунарли тилда ёзилганлиги, мавзуларнинг пала-партишлиги ўқитувчиларнинг эътирозларига сабаб бўлар ва бундай дарсликларни яна янгилашга тўғри келарди. Дарсликларнинг синовдан ўтказилиши эса шундай нуқсонларга чек қўяди. Синов учун Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан тумандан таълим ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар танлаб олинган. Бу мактабларда янги дарсликлар синовдан ўтказилиб, улар юзасидан билдирилган фикрлар, таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилади. Ҳозирда 17 номдаги дарсликларнинг ҳар бири 50 минг нусхада чоп этилиб, синов мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари бу дарсликлар билан бепул таъминланган. Айтиш мумкин, 2003 йилда мутахассислар дарсликларни такомиллаштириш билан бир қаторда айрим фанлар бўйича интеграцион дарсликлар яратиш устида ҳам иш олиб боришмоқда. Синов даврида жойлашган олинган тақлифларга таянган ҳолда мазкур дарсликлар янада мукамал шаклга келтирилади. Бу эса замонавий ўқув дарсликларни яратиш, таълим мазмуни янада бойитишга хизмат қилади.

А. ҒАФҒОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Санъат

КЎРГАЗМАДА
ГРАФИК
АСАРЛАР

Ўзбекистон Бадий академияси қатор янги кўргазмаларни намойиш қилишни режалаштирди. Бундай қизиқарли, бадий экспозициялар орасида график-рассомлар ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалар ҳам бор.

Истеъдодли график-рассом Сайдулло Субҳонов ижод намуналари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Унинг «Крокодил», «Муштур» сатирик журналларида ёритилган ҳажвий мавзудаги расмлари ўзининг таъсир кучи билан ажралиб туради.

Яқинда Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида намойиш қилинадиган экспозиция ана шу изланувчан рассом ижодига бағишланади.

Ушбу кўргазмага рассомнинг кейинги йилларда чизган янги асарлари намуналари ҳам киритилади.

КАРТИНАЛАРДА
ТАБИАТ
ЖОЗИБАСИ

Республикаимиз мўйқалам усталари учун ўтган 2003 йил баракали бўлди. Табиат манзаралари тасвири акс этган картиналар ҳам ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб турди.

Шу ўринда истеъдодли ёш рассом Раҳим Ризамухамедов чизган «Анорлар ва кўза» деб номланган натюрмортни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Картина ўзига хос бадий композицияда яратилган. Кашта гулли челақ устига қўйилган кўза ва ундаги анорлар тасвири кўзга яққол ташланиб турибди. Ишлатилган бўёқлар нафис товланиб, томошабинга ўзгача кайфият бағишлайди.

Рассом Муҳаммад Нуриддиновнинг «Тоғ суви» картинаси ҳам завқ билан томоша қилинади. Зилол тоғ сувининг оқиши тасвири рассом мўйқаламида жонлангандек бўлади.

«Полизда», «Шоҳимардон», «Буюк замин» каби янги манзара асарлари ҳам мўйқалам усталарининг янги илҳом таровати янглиг томошабинга завқ-шавқ бағишлайди.

Акбар АЛИЕВ

— Бу йилги Ҳаж ибодатларида тўрт мингга яқин ўзбекистонлик зиёратчилар иштирок этмоқдалар, — дейди суҳбатдошимиз, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Шухратжон Исмоилов. — Ҳажнинг фарзи, вожиби, суннатини мукаммал адо қилмоқликлари учун Ўзбекистондан келган зиёратчиларга барча қулай имкониятлар яратилди. Мухташам меҳмонхоналар, ўзбекиона миллий овқатлар, зарур бўлганда малакали тиббий ёрдам, ҳаж арконлари масканларига аввалдан зиёрат уюштириш, буларнинг барчаси муҳайё.

Дарҳақиқат, ҳаж арконларини адо этиш тартиби ҳар бир зиёратчига батафсил тушунтирилди. Зиёратчиларга ҳамроҳ бўлиб келган уламо-лардан муфти Абдурашид қори Бахромов, Тошкентдаги «Шайх Зайниддин» масжидининг имом хатиби Раҳматулло қори Обидов, ҳаж амалларини бажаришда катта тажрибага эга бўлган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва дин ишлари бўйича қўмита ходимлари барча зиёратчилар билан кеча-кундуз бирга бўлиб, ибодатнинг мукамаллиги ҳамда бениҳсонлиги борасида суҳбатлар, учрашувлар ўтказмоқдалар.

Ҳаж

МИННАТДОРЛИК
ТУЙҒУСИ

Ҳаж ибодатини адо этиш арафасида турган ўзбекистонлик зиёратчилар шу кунларда мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланмиш Масжидул-Ҳарамда, Каъбатуллоҳ пойида орзуманд ибодатларини бажармоқдалар. Каъбани тавоф этиш, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қўллари билан қўйилган қора тош - хажарул асвадни кўриш ва Иброҳим алайҳиссалом мақомида намоз ўқиш каби суннат ибодатларни юртдошларимиз ихлос ва ҳаяжон билан адо этмоқдалар, Аллоҳдан аввало юртга тинчлик, элга фаровонлик тиламоқдалар.

— Ота-оналаримиз эътиқодли одамлар бўлиб, бир бор ҳаж қилмоқлик орзусида оламдан ўтганлар, — дейди кўзидан шашқатор ёш билан марғилонлик Бадриддин ота Фозилов. — Мен Каъбатуллоҳ пойида дуога қўл очиб, аввало бизни мустақилликка олиб бериш, бизга иймон-эътиқод эркинлигини берган, халқимизга ҳаж йўлини очган Президентимиз Ислам Каримов жанобларини дуо қилдим. Буни қарангки, агар илгариги замонларда Маккага 6-8 ой тунда юриб бориш бўлса, энди Фарғонадан «Ил-86» самолёти-

да 6-7 соатда Жиддага қўндик, бир кундаёқ ҳаж маконларига етиб келдик. Мана, Аллоҳга шукри, ибодатларни бажариб, Арофатга чиқишга ҳозирлик қўрмоқдамиз.

— Икки муқаддас Ҳарамда саждага бош қўйганларнинг миллиати, ирки, тили, яшайдиган қиъаси турлича, аммо эътиқоди бир - улар ягона Аллоҳга иймон келтирганлар. Бу чуқур фалсафий маънога эга бўлиб, менга бир илоҳий илҳом берди, — дейди юртимизнинг суюкли шоираси Нилуфархоним ҳожи онамиз. — Қалбимдан тўкилаётган янги

сатрларда Аллоҳга, ватанга, муҳаббат мақомида куйлагим келди.

— Илдан-йилга Ўзбекистондан кўп ҳажлар келаётир ва мен аввало уларнинг қўларига, юзларига тикиламан. Қарашлари катий, руҳлари тегиқ, сўзлари бутун. Демак, ватан тинч, эл эса юрт бошида турганлардан рози. Юрт ишларида умри армон билан ўтган мен қабилар Ўзбекистоннинг, бу қўл мамлакат халқининг фаровонлигига фидо бўлайлик, — дейди юзидан нур, сўздан анбар сочилувчи маккалик ватандошимиз Сафоҳон тўра Марғилоний.

— Шукроналик, шукрона сўзлар айтмоқ зарур бу бахтли кунлар ҳақиқига, — дейишмоқда зиёратчилар. Зулҳижжа ойининг еттинчи кун, ёки 29 январда эҳром боғлаб, Ҳажни ният қилиб, Минога қараб йўл олинади. Олдинда Арофат тоғида турмоқлик, Муздалифа водийсида тонг оттирмоқлик ва 3 кун шайтонга тош отиш, Каъбани тавоф қилиш амали турибди. Хайриятки, юртимиздан келган барча зиёратчилар соғомон. Бугун уларнинг ибодатдан ўзга ташвишлари йўқ. Зиёратчиларнинг дуолари ижобат бўлсин.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Жаҳон» АА
Мақкаи Мукаррама.

ТЕГИШЛИ ТАВСИАЛАР БЕРИЛДИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» маҳалла гузарига Қурбон ҳайитига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов олиб борди.

Йиғилишда Қурбон ҳайитига тайёргарлик кўриш, муборак Ҳаж сафарига кетганларни кутиб олиш, турли оқимларга адашиб кирганлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш масалалари кўтарилди. Қурбон ҳайити байрамини муносиб тарзда нишонлаш тўғрисидаги чора-тадбирлар режасига мувофиқ масжидларда ўрганиш ишлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масжид имомларига тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан кам таъминланган оилалар, мурувватга муҳтож қариалар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга олдинги йилларга нисбатан кўпроқ аҳамият қаратиш лозимлигига ургу берилди. Бундай савобли ишларга саховатли кишилар ва хомийларни жалб

этишда масжид имомларининг ўрни катта бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар Турсунов ўз сўзида Қурбон ҳайити муносабати билан келин саломлар ёки фотиҳагарчиликлар, ҳайитдан кейинги турли тадбирларни ихчам, бартартиб ва камҳарж тарзда ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди. Шунингдек, диний ақидапарастлик оқимига мансуб ҳазони ўташ жойларидан амнистия туйғули озодликка чиққан шахслар билан кўпроқ тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш сўнггида Ҳаж сафарига кетган юртдошларимиз ўз муқаддас амалларини ўтаб қайтгач тадбирларни ихчам, кам-қариндошлар билан ўтказиш лозимлигини тушунтириш юзасидан масжид имомларига тавсия берилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Қурбон ҳайити арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда. Бир неча кун давомида пойтахтимиз туманларидаги барча маҳаллалар ҳудуди тозаланиб, ободонлаштирилади.

Байрам
арафасида

Шу билан бирга, тадбир доирасида меҳрибонлик уйлари, жисмоний имкониятлари чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатлар ҳудудлари ва биноларини ободонлаштириш кўзда тутилган. Бундай муассасалар тарбияланувчилари учун концерт дастурлари, байрам дастурхонлари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлар ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб, болаларга байрам совғалари топиради.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА

Газетхон илҳомлари

Ёр сочини тарайди

Ёр сочини тарайди,
Қўлида шамшод тароқ.
Кўзусига қарайди,
Кўнглида шавқу мароқ.

Бир он уни кўрмасам
Куним айланар тунга.
Кўзларимга тўлур ёш,
Қалбимни эзар фироқ.

Керак эмасдир менга
Ўзга ёрнинг жилваси.
Севгимнинг чехраси
Бамисли ёрқин чароқ.

Йўлларингга кўз тикиб
Эшмуҳаммад зор бу кун,
Мажнун каби содиқман,
Вафодан қилма сўроқ.

Эшмуҳаммад
ТУРДИЕВ

2004 — Меҳр ва мурувват йили

КЎНГИЛЛАРГА ИЛИҚЛИК
БАҒИШЛАДИ

Азал-азалдан халқимиз меҳрга муҳтож, кўнгли ярим ногиронларнинг оғирини енгил қилиб, ширин сўзу саховатларини аямай келган. Айниқса табиат томонидан озгина нуқсон билан дунёга келган болажонларнинг ўз тенгдошларидан кам бўлмай вояга етишлари йўлида меҳрибончилик кўрсатганлар. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши эзгу юмушларимиз салмоғини янада кўтаришига эса шубҳа йўқ.

Мирзо Улугбек туманидаги 105-ёрдамчи мактаб-интернатда ҳам ана шундай меҳру мурувватга муҳтож болажонлар тахрир олдидилар, ҳанер ўрганиб жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, тўрт мучаси соғ бўлган тенгдошларидан ортда қолмаслик учун ҳаракат қиладилар. Кунни кеча ушбу масканда болажонларнинг кўнглини кўтариш мақсадида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди.

Дилларга озгина бўлсада илиқлик бағишланган ушбу тадбирда мактаб-интернатнинг барча ўқувчи ва мураббийлари, шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари, туман халқ таълими, савдо департаменти, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, «Гулзор», «Беш-калга» маҳаллалари, Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги

бўлими вакиллари иштирок этдилар. «Кўйлик» дехқон бозори ҳимийлигида чиройли қилиб безатилган тўқин дастурхон, туман маданият уйи ва «Гулзор» маҳалласи хотин-қизлар коммиссияси раиси Роиба Қамбарова бошчилигида тайёрланган «Келин салом» каби дилга яқин томошалар, куй ва кўшиқлар мактаб-интернат тарбияланувчилари қалбига бир

олам таассурот қолдирди.

Тадбир қатнашчилари ўзлари олиб келган теннис столи, иссиқ кийим-бошлар, спорт формалари, телевизор, оёқ кийимлари каби совға-саломларни болажонларга топширдилар ва уларнинг келажақда она-Ватанга муҳаббатли, меҳроқибатли бўлиб вояга етишарида тилақ билдирдилар. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам ўз билим ва иқтидорларини, ёд олган шеър ва қўшиқларини айтиб миннатдорчиликларини ихзор этдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: Мирзо Улугбек туманидаги 105-ёрдамчи мактаб-интернатда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИБ
ДОНО БУЛАР...

• Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳада қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳада қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳада қилмасанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганингдан кейин ҳар кимга: «Фалон донишмандга юз сўм ҳада қилганман», деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

Байт:

Кутма дардинга

даво, пасткаш,
курумосоқ кимсадан,
Ким чиён ниши билан
оггай оёқлардан
тикан?

• Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтди:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади. Ишининг охибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган, одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишонч кўп бўлади. Мақтагани хўш кўради, бир нарса тўғрисида сўрасалар шошилиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўннга ва чапга кўп қарайди, мутакаббир ва мағрур бўлади, ножаъ сўзлардан сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тўшунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа кичкириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

Байт:

Доного ёндошгил, қоч
нодондан сен,
Хатто у хавфлидир
доно душмандан.

• Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.

• Кўполлик — руҳий қашшоқлик.

• Ахлоқий босиқлик — эзгуликдир.

• Эй, фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хушхидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

• Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

• Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Дону шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Кўшни давлатларнинг яширин цехларида ишлаб чиқарилаётган турли кўринишдаги спиртли, алкоғоль ва акциз маркасисиз тамаки маҳсулотларини божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўллар орқали олиб кириш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Сифат даражаси паст, истеъмолга яроқсиз, инсон саломатлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган бундай спиртли ичимликларни олиб кириш қонунга зид бўлсада айрим ўз нафсига қул бўлган, мўмай даромад олдида кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган «ишбилармон»лар томонидан келтирилмоқда. Бу борада божхона ва тегишли органлар ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирларга қарамай ушбу маҳсулотлар бозор расталарида кўриниб қолмоқда. Чиройли шишаларга жойланган бу ичимликларга бир қараганда ҳавасингиз келади. Лекин уларнинг сифатига ишониб бўлармикан.

Пойтахтимизга «Уфа-Тошкент» йўналиши бўйлаб қатнайдиغان поезд вагонлари кўздан кечирилганда эса, вагон ресторани бошлиғига тегишли бўлган акциз маркасисиз 80 шиша «Исток» ароқлари борлиги маълум бўлди. Хуқуқбузарлар томонидан яширинча келтирилаётган спиртли ичимликлар ва акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари республикамиз ҳудудига киритилгандан сўнг табиийки савдо шохобчаларида ҳам сотили-

ши тайин.

Шундай ноқонуний «учар» тадбиркорлардан бири Ш.Шоқосимов ва Н.Тўхтаевларнинг ҳам қинғир ишлари фош этилди. Уларнинг «Ўзкўргазмасавдо» марка-

369 қути сигаретлар билан савдо қилишаётганида қўлга олинди.

«Тошкент — Марказий» темир йўл бекатида 8-сонли божхона маскани ходимлари томонидан ўтказилган тезкор чоратадбирлар натижасида маълум бўлдики, 6-сонли «Москва-Тошкент» йўналишидаги йўловчиларни ташиш поездининг вагон кузатувчиси, республика фуқароси Р.Ахоров ҳам шундай тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланар экан. У қирқ беш минг сўмдан зиёд акциз маркасисиз «Русский стиль» номли сигаретларни юрти-

мизга яширин равишда олиб келганлиги маълум бўлди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ана шундай майда-майда қилиб олиб келинаётган ҳужжатсиз товарларнинг кириб келишига божхона ва тегишли органлар ўз вақтида чек қўймоқда. Божхона ходимлари томонидан ўтган йили ўтказилган тадбирлар давомида ноқонуний йўллар билан ишлаб чиқарилган ва сотилаётган 21 миллион 684 минг сўмлик алкоғоль ва 71 миллион 361 минг сўмлик 23308 қути тамаки маҳсулотлари хуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Бундан кейин ҳам зимдан қилинаётган қонунбузарликлар сира жазосиз қолмайди. Шундай экан, ҳалол ишлаб виждонан меҳнат қилмоққа одатлан-

Нурбек МУСТАФОЕВ

Божхона

САЛОМАТЛИК
КУШАНДАСИГА ЧЕК
ҚЎЙИЛМОҚДА

Шаҳар божхона бошқармаси ходимлари спиртли ва акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний равишда савдо-сотиқ қилаётган бир қатор сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди.

зида қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан тамғаланмаган 807 минг сўмга яқин 1372 қути тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги аниқланди.

Кейинги пайтларда бундай сохта тадбиркорлар томонидан яширин йўллар билан ҳудудимизга олиб келинаётган акциз маркаси билан тамғаланмаган тамаки маҳсулотларини сотиш учун эса катта қатнов йўл ёқалари ва бозор атрофларида пачка-пачка сигарет кўтарган аёллар пайдо бўлмоқда. Худди шундай тижоратчи аёлларнинг иш фаолиятига чек қўйиш мақсадида божхоначилар томонидан олиб борилган тадбирлар давомида фуқаролар Х.Эгамбердиева, Г.Ёқубова, С.Ратаева, У.Ғоиповалар қонунга зид ҳолда акциз маркасисиз 130 минг сўмлик,

Мўлоҳаза

Қайта
ишланса бўларди

Биз истеъмол қилаётган кундалик эҳтиёж маҳсулотларидан табиий равишда чиқинди ҳосил бўлади. Айниқса, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли 70-80 фоизи маҳсус идишларда, қутчаларда ишлаб чиқарилади. Хуштаём ичимликларнинг бир қанча турлари, консерва маҳсулотлари, қуруқ чойлар, қоғоз қутилардаги сут ва шарбатлар ва ҳоказолар истеъмолдан бўшагач, уларнинг идишлари кераксиз матоҳ сифатида чиқиндиларнинг «доимий кўрки»га айланади.

Бундан ташқари, кўча-кўйда, бекатларда, хиёбонларда, йўл четларида ва айниқса, ариқларда бўмбўш баклашқалар, сигарет қутиларини кўп учратамиз. Агар биз озгина масъулият ҳис қилиб ва қўйингки, маҳсус бўлинмалар тузиб, юқоридаги кераксиз матоҳларни йиғиб олсак ҳамда уларни қорхоналарда қайта ишлаб чиқарсак бўлади-ку.

Яқинда чиқинди ташланадиган темир қути олдидаги ажиб манзарага кўзим тушди: 15-20 тача спиртли ичимликдан бўшаган шишаларни териб кетишибди. Бундан кўра, уларни сақлаб қўйсанг қайсидир юмшунингга асқотадик-ку, дейдиган одам йўқ.

Бир кишининг доимо чиқиндилар атрофида қуйма-

ланиб юрганини ўтган-қайтганимда кўп учратаман. Бир куни эътибор бердим. Халиги киши фақат қоғоз қутиларни йиғиб, халтасига соляепти. Ҳайрон бўлдим. Демак, қутиларни у қаергадир топширади, назаримда.

Хуллас, масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бир таклифни ўртага ташламоқ ниятида эдим. Агар тегишли мутасадди кишилар бўшаган пластмасса, металл, қоғоз идишларни йиғиб олиш ва қайта ишлаб чиқаришни бир йўлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Атроф-муҳит ҳам кераксиз деб ташлаб юборилган чиқиндилар билан тўлиб ётмасдан, орастароқ турарди.

Элмурод ЭГАМКҮЛОВ



Ёшларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланиш йўлида фаолият юритаётган «Камолот» ЁИХнинг Юнусобод туман бўлими кенгаши томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, олимпиада ва конференциялар эртанимиз давомчиларининг хуқуқий саводхон, кенг салоҳиятли инсонлар қаторидан ўрин олишларида муҳим омил бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман бўлими кенгаши томонидан «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилган «Саломатлик — туман бойлик» мавзусидаги давра суҳбатидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Хайвонот олинди

ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШИ
САБАБЛАРИ

Экологик муаммолар ҳақин ҳамжамияти олдидagi ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан биридир. Улар қаторига иқлимнинг кескин ўзгариши ҳам кирди. Ерда ҳарорат ошиб бораётгани мутахассислар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётди.

Муаммо бўйича турли фикрлар илгари сурилаётди. Масалага илмий ёндашувчилар иссиқликка асосий сабаб атмосферага углеродли газларнинг кўп миқдорда чиқарилаётганидир, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, бу инсон омилли, инсон фаолияти натижасида юзага келаётди. Бу фикр тарафдорлари, инсон фаолияти таъсирида юзага келган муаммони инсон кўли билан бартараф этиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

Ҳўш, дунё ҳароратининг ошиши инсон омилли билан боғлиқ ҳудудимиздаги табиатга алоқадор ҳолатми? Инсониятнинг бу масалага муносабати қандай?

Бир вақтлар АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон маъмурияти дунёвий иссиқ масалалари очмига баянланган Киото протоколига алоқадор муносабат билдирганди. Мазкур халқаро ҳужжат таллабларидан келиб чиққан ҳолда, АҚШнинг собиқ вице-президенти Альберт Гор атмосферага чиқарилаётган углеродли газ миқдорини қисқартриш учун зудлик билан зарур чоралар кўрилиши лозимлигини таъкидлаган. Унинг таъкидлари маълумотида. Чунки бунинг учун ишлаб чиқаришни қисқартришга тўғри келар эди. Мамлакат энергетика вазирлиги ҳисоб-китобларига қараганда, углеродли газнинг ҳавога чиқарилишини камайтириш ҳар йили 300 миллиард долларга тушар экан. Шу боис иқтисодиётта зиён келтирадиган мазкур режани президент Б.Клинтон маъмурияти Сенатга тақдим этмади.

Киото протоколдан бундай камчиликлар чиқарилганда, унга бошқа мамлакатларнинг ҳам қизиқиши кўна бошлади. Мазкур ҳужжат ҳамон кунча кирмай турибди.

Президент Жорж Буш даврида эса муаммони ҳал этишнинг муқоабил йўли ишлаб чиқилди. Жорж Буш маъмурияти асосий эътиборни углеродли газ чиқаришни камайтирадиган янги технологиялар яратишга қаратди. Мазкур усул йилгага атиги 4 миллиард доллар сарфлашни талаб қилади.

Мазкур икки тақдир бир-бирига солиштирилганда бўлса, кейинги-си маълум бўлади. Лекин масалага фақат арзон-қимматлик нуқтаи назардан ёндашиб бўлмайди. Гап шундаки, мутахассислар 1900 йилдан бери Фаренгейт ўлчови бўйича Ер юзидида ҳарорат атиги бир даражага кўтарилганини аниқлади. Атмосферада углеродли газнинг кўпайиши дунёвий иссиқга олиб келади, деган назария эса ўтказилган амалий таҳрибалар натижасига мос келмапти. Сунъий йўлдошлар ёрдамида ўтказилган кузатувлар сўнгги 35 йил мобайнида атмосферанинг кўйи қатламида кескин иссиқ ҳолатлари бўлмаганини кўрсатмоқда.

Утган асрда ҳароратнинг ошиши ҳолати кўпроқ 1900-1940 йилларда тўғри келган. 1940-1975 йилларда эса кескин совиш кузатилган. Шунинг таъкидламоқ жоизки, бу даврда ҳам атмосферага кўп газ чиқарилган. Демак, дунёвий иссиқ фақат ҳаводаги углеродли газ миқдорига боғлиқ эмас.

Ўтказилган тадқиқотлар дунёвий иссиқда инсон омиллини инкор қилса-да, бу борада бир тўхтамага келиш мушкул бўлиб турибди. Чунки сўнгги 100 йил мобайнида Ер юзидидаги иқлим ўзгаришида табиат ва инсон омилли қанчалик аҳамият касб этаётгани тўла-тўқис аниқланганича йўқ.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург Ўлмас Умарбеков ҳаёти ва ижодига баътафсил тўхталиб ўтидилар.

Улар шунингдек, истеъдодли ёзувчи Ў.Умарбеков билан бирга ўтказилган давларини хотирлаб, унинг асарлари ҳозиргача бадиий наср ихлосмандлари томонидан севиб мутулаа қилинишни таъкидлаб ўтишди.

Маълумки, Ўлмас Умарбеков ХХ аср ўзбек адабиётининг улкан намоёндаларидан биридир. У 1956 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетини битириб, кўп йиллар давомида Ўзбекистон радиосида муҳаррир ва бадиий дастурлар бош муҳаррири бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, «Ўзбекфильм» киностудияси директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги сифатида фаолият кўрсатди.

Ўлмас Умарбековнинг «Севгим, сев-

гимим», «Ёз ёмири», «Дамир Ёсмоновнинг икки баҳори», «Болгар қўшиқлари», «Бобоёнгоқ», «Қайтар дунё» каби кўпгина қисса ва ҳикоялари китобхонлар томонидан юксак ба-

ҳоланганлиги, ҳозиргача ўз моҳиятини сақлаб туриши эътиборга лойиқдир. Ў.Умарбеков нафақат иқтидорли ёзувчи, балки таъкидлик драматург

ҳам эди. Унинг «Қиёмат қарз», «Комиссия», «Шошма, қуёш!», «Кузнинг биринчи кунини», «Аризасига кўра», «Курорт» номли саҳна асарлари йиллар давомида ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида муваффақият билан намойиш этилди. Драматург сценарийси асосида суратга олинган «Икки солдат ҳақида қисса», «Ўзгаларни деб», «Қалин қорлар бағридаги учрашув» каби фильмлар ўзбек кино санъатида ўзига хос ўрин тутди.

Хотира кечасида Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари томонидан Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб «Шошма, қуёш!» номли саҳна асари ижро этилди.

Юлдуз УСМОН

Хотира қўнғонса қўнғондир

ЎЛМАС АСАРЛАР
ҚОЛДИРГАН АДИБ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўтелерадиокомпания, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси, «Артмадад» махсус жамғармаси, Ўзбек Миллий академик драма театри ташаббуси билан сеvimли ўзбек адиби Ўлмас Умарбеков таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Ширинчи горраҳаларида

КАСОФАТ ҚУРБОНИ

— Бугун чиқолмайман, Собир ака, — деди Ноила машинадан тушаркан атрофга олазарак боққан ҳолда.

— Эртагача сабрим чидамайди, — Собирнинг юзи тундлашди. Индамай сиграета тутата бошлади.

— Нима, ўша найновий алдаш қийин ишми?

— Ахир кечаям навбатчиман, деб айтганман, — саросимада жавоб қайтарди аёл. — Бир ёқда қайнотам...

— Шуми оқибат? — Собирнинг эънаси қотди.

Қаршисидаги жазманини йўқотиб қўядигандек Ноиланинг ичи титради.

— Майли, соат 7 да ўша жойда...

Эргаш ишдан қайтиб ҳовлига кираркан, ошхона томондан пиёздонинг ҳидини туйди. Ҳартугул хотини ишдан эрта қайтибди. Аёлсиз уйнинг фойзи йўқ-да. Навбатчиликка кетса, ҳаммаёқ хувиллаб қолади.

Эргаш ичида огир хўрсинди. Мана, уйланганига етти йил бўляпти. Шу пайтгача фарзанд қуришмаганликлари сабабли атрофдагилар не-не маломатлар ёғдиришмади, дейсиз. Ноилага кўнгли бор, нима қилсин. Унгаям қийин. Фарзанд умидида бормаган жойи қолмади.

Эргаш юз-қўлини ювиб, эгини алмаштириб-да, ошхонага қараб юрди. Бу вақтда Ноила қозоннинг қопқоғини ёпаётган эди. Эргашни кўрди-ю, ялтоқлашиб:

— Вой, келдингизми? Сиз ёқтирган таомни пиширувдим. Отам билан бирга ерсизлар, — деди.

— Сен-чи? — Эргаш хотинига тикилди.

— Ўлсин, бугун ҳам «дежур»-ман. Зўҳра касал бўлиб қопти. Бошқа одам йўқ. Эънаси.

Эргашнинг боғи қувончи кўпга чўзилмади.

— Майли, навбатчилигинг тинч ўтсин, — у хотинининг белидан энгил кучди. — Ўзингни кўпам уринтирма. Ноила уйга кириб кетди-ю, тошойна олдиди узок ўтирди. Соддадил Эргаш бунга эътибор ҳам бермади.

Фира-шира шом қоронғусида қизик кетаётган хотинини кузатмоқчи бўлган Эргашни Ноила қайтарди.

— Шифохона яқин, бир зумда етиб оламан. Овқатланаверинг.

Эртадан-кечгача тракторда ер шудорлаган Эргаш чарчаганини ҳис қилиб, бўсағада қолди. Эрини ёлғонига ишонтирган келинчақ хотиржам йўлга тушди. Шифохона ортда қолди. Келишилган жойга етиб келгач, таниш машинани кўриб, илдамлади.

— Келдингми, жоним, — деди Собир энтикиб эшикни очаркан Ноилани олдинга ўтиргизмоқчи бўлди. Аммо аёл кўнмади. Ўзини орқа ўриндиққа ташлади. Машина жойидан кўзгалди.

Ноила ҳиёнат кўчасига кириб кетаётганидан ичида қаттиқ чўчкётган бўлса-да, ҳамкасбларининг: «Ўзингни синаб кўр, айб эрингдир», — деган «далда»сини

эслаб қўйди. Аросат қўйиндан қайси йўл билан чиқиб кетишни билмаётган Ноила шайтон йўлдан уриб, ўзи ишлаётган бўлимда даволанган мана бу ёши улуг кишининг қармоғига илинди.

«Фарзанд бўлган кунни алоқани узаман», — деган илинжда Ноила кўп кутди. Унинг бахтига ҳиёнатини ҳеч ким сезмади. Ниҳоят Собирга анчайин ўрганиб қолган аёл гумонаси борлигини билиб, ўзини қушдай энгил ҳис этди. Аммо ҳиёнат тўрига тушиб қолган аёл исканжадан осонгина қутула қолмади. Эл оғзига элак тутиб бўлмас, одамлар бу машум ҳиёнатнинг учини билиб, миш-мишга берилишди.

Эргаш бояқиш хотинининг юкли бўлганидан боши осмонга етиб, унинг кўнглига қарар, далада ҳам туғилажак боласини ўйлаб, ширин хаёлга бериларди.

Кекса ота кўча-қўйдан келинининг оёқ олиши ноҳўялигини эшитса-да, ўглини аяб, сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Лекин барибир ичида огрини кўяр, ёлғизгина дилбандига раҳми келиб: «Касофати ўзига урсин-да», деб қўярди.

Ой кунни яқинлашган Ноила ўзини бахтиёр сезар, атрофда гирдиқапалак бўлган эрига эркалиги ортиб борарди. Унинг қилмишидан еру-кўк беҳабардек

ЯНГИ РОМАН
ТАҚДИМОТИ

Республика Миллий матбуоти марказида ёзувчи Комил Авазининг «Қўнғон» романининг тақдими ўтказилди.

Роман 5 минг нусхада чоп этилди. Хоразмлик таниқли адиб Комил Аваз ўз асарлари билан кўпчилик ўқувчилар қалбидан жой олган. Адашган овчи монологи шакли асосида ёзилган асар тарихга таянган ҳолда бугунги кунимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Тақдимотда сўзга чиққан ёзувчи ва адабиётшунослар адибнинг асарига роман-эссе сифатида тавсиф беришди. Шунингдек, асардаги фалсафий фикрлар муаллифининг шахсий кечинмалари орқали моҳирона ифода этилган. Адиб ўз асарига замонамиз ҳақида теран мушоҳада юртади.

ЛИЦЕЙ-МАКТАБДА
СЕМИНАР

Сергели туманидаги 300-лицей-мактабда ўқувчиларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотига жалб қилиш мақсадида кўчма семинар ўтказилди.

Семинарда асосан 5-8-10 синф сардорлари кенгаши иштирок этишмоқда. Уч мингдан ортқ ўқувчи таълим олаётган ушбу мактабда жами 343 та сардорлар фаолият кўрсатаёпти.

Семинарнинг асосий мақсади сардорларнинг ички дунёси, олиб бораётган фаолияти билан ақиндан танишишдан иборат. Семинарлар турли хил йўналишларда қизиқарли ўйинлар орқали ташкил қилинди. Ёш камолотчилар эса ушбу ҳаракатга ижобий ёндашмоқдалар.

И.ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

масжид юрган Ноилани тўлғок тутган кун Эргаш уни бошида кўтаргудек бўлиб туғруқхонага элтиди. Кечга бориб Ноиланинг кўзи ёриди.

Орзиқиб қутилган фарзанд — ўғил туғилди. Қувончдан юраги ёрилгудек бўлган Эргаш бу хушхабарни отасига етказмоқ учун уйга шошилди. У йўлда кетиб борар экан, кўзларидан қувонч ёшлари оқарди. Мижжаларига қалқиган ёшдан кўз олди хиралашган йигит рўпарасидан тезлик билан келаётган машинани пайқамай қолди. Ҳайдовчининг ҳам қалапаги учиб кетди. Афсуски вақт бой берилганди. Йўл четига машинасини қўйиб, ортига қолиб келган ҳайдовчи Эргашнинг очик кетган кўзларини кўриб, эъсонаси чиқиб кетди.

Ўша тун бутун шаҳарча жунбушга келди. «Касофати ўзига урмади-да!» деган огрикли сўзлар Эргашнинг кекса отасини ер титратди. Шифохонада эса бунданда даҳшатли манзара зоҳир эди. Доялар минг ялинишмасин, эрининг ўлимида ўзини айбалаётган Ноила гўдакка қайрилиб ҳам қарамастди. У пинҳона босган разил қадами меваси бунчалар талх бўлишини кутмаганидан фиғони фалакка чиқарди.

Фарзанд доғи адоий-тамом қилган қайнота ўғлининг таъзисига келганлар орасидан кимнингдир «Ҳаром бола беғуноҳнинг бошига етмай қўймади», деганини эшитиб, юраги тўқилиб кетди...

Гулжаҳон ЖАББОРОВА

Спорт**ОЛИМПИДАЧИЛАР
АССОЦИАЦИЯСИ
ТУЗИЛДИ**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Ўзбекистон Олимпиадачилари Ассоциациясини тузиш юзасидан таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров мазкур Ассоциация юртимиз олимпиадачиларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, зарур пайтда уларга кўмаклашиш, мамлакатда жисмоний тарбия, спорт ва олимпия ҳаракатини янада қўлайлаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шунингдек, олимпия голярини ёйиш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтди.

Таъсис конференциясида шунингдек, икки қарра олимпия чемпиони Вера Дуонова йиғилганларни Ассоциациянинг Низоми билан таништирди ва ушбу ҳужжат бир овоздан қабул қилинди. Йиғилиш давомида Ўзбекистон Олимпиадачилар Ассоциациясининг ижроия қўмитаси таркиби тузилди, Ассоциация президенти ва бош котиби тайинланди.

Ҳайлаймизки, Ўзбекистон Олимпиадачилари Ассоциацияси мамлакатимизда олимпия ҳаракатининг янада кенг ривожланиши, олимпиадаларда спортчиларимизнинг муваффақиятлироқ катнашишларида кенг имкониятлар очади.

Даврон НУРМАТОВ

**Шахмат****СЎНГГИ ТУР
ОЛДИДАН**

Хабар берганимиздек, Республика шахмат-шашка клубида 67 нафар шахмат усталари иштирокида Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари поёнига етмоқда.

КЕЧА саккизинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Унинг якунларига кўра 8 имкониятдан 6,5 тадан очко жамғарган 127-мактаб ўқувчиси Мурод Мамасолиев ва шарқшунослик институти талабаси Жаҳонгир Қурбоновлар етакчилик қилишмоқда. Бироқ прогрессив ўсмиш коэффициент буйича Мурод Мамасолиевнинг имкониятлари юқориликдир.

Икки оғиз шахар биринчилиги ғолиблигига номзод билан муштарийларимизни таништириб ўтадиган бўлсак, спорт усталига номзод Мурод Мамасолиев ҳозирда 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига мураббий Равшан Аҳмадхўжаев қўл остида шахмат сирларини ўрганмоқда. Энг муҳими, Муроднинг натижалари йилдан йилга ошмоқда. Хусусан, у 2003 йилда Қўқонда бўлиб ўтган гротсмейстерлар турнирида катнашиб, 50 фоиз очко жамғарган ҳолда мутахассислар назарига тушди. Ҳақини Навоийда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам кучли ўнтакликдан ўрин олган.

Жорий йилнинг январь ойда ўтказилган шахар биринчилигининг ярим финал баҳсларида 13 имкониятдан 9 очко жамғарган ҳолда тўртинчи ўринни эгаллаган. Ҳайлаймизки, 16 ёшли келажаги порлоқ ўшб ўсмирининг барча салмоқли ғалабалари ҳали олдинда.

Бугун сўнгги 9 тур баҳслари ўтказилган шахар биринчилиги ғолиб ва совриндорлари аниқланади. Энг кучлиларга шахар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, пойтахт шахмат бўлими ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган Фахрий ёрликлар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

**Дамир ИСМАТОВ
СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.**

Мутахассис маслаҳати

Ўткир нафас йўли касалликлари ичида вирусли инфекциялар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг орасида грипп айниқса ўткир юқумли касаллик бўлиб, ҳаво-томчи йўли орқали юқади, эпидемик ва пандемик тарқалишлар билан намоён бўлади.

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Грипп касаллигининг клиник кўринишлари организмнинг умумий интоксикация ва нафас органларининг зарарланиши билан изоҳланади. Грипп одамлар орасида учрайдиган энг оммавий, тез ва кенг тарқалувчи юқумли касалликдир. Ўткир нафас йўллариининг бошқа касалликлари орасида грипп — 75 фоизни ташкил қилади, грипп эпидемияси йилларида бу 85-90 фоизга тўғри келади. Грипп ҳаво орқали юқиб, нафас органларининг шиллиқ қаватларида жойлашган вирус таначаларидан юзага келади. Вирус бу органларнинг эпителий ҳужайраларида кўпайиб уларнинг кўлаб нобуд бўлишига олиб келади. Шикастланган ҳужайралардан вируслар балғам орқали бронхлардан атрофмуҳитга ажралади (йўталганда, гапирганда, аксирганда) ва шу тариқа бемор одам атрофидаги соғлом кишиларга касаллик юқтириб юради.

Касаллик ўткир бошланиб, унинг яширин даври бир неча соатдан 2 кунгача давом этади, баъзи ҳолларда вирус бемор организмда касалликнинг яширин давридаёқ акралаиб чиқа бошлайди. Аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари орасида грипп билан касалланиш ҳодисалари уларнинг иммунитет даражаси билан белгиланади. Агар 6 ойгача бўлган болаларда пассив иммунитет бўлса, 6 ойдан 3 ёшгача болалар гриппга айниқса мойил бўладилар. Катта ёшдаги аҳоли гуруҳлари орасида ҳам касалланиш кўрсаткичлари юқори. Грипп кучайган даврда касалхоналарда қўшимча ўринлар ажратирилиши ва беморларга хизмат кўрсатиш тизимининг кенгайтирилиши керак. Беморлар жойлашган хоналар тез-тез шамоллатиб, дезинфекция моддаларини қўллаган ҳолда ҳўлатта билан тозалат турилади, бемор идиш-товуқлари эса қанталанади. Шунингдек, поликлиника, касалхона, болалар муассасалари ходимлари, савдо ва маиший хизмат ходимлари оғиз ва бурунни беркиитиб турувчи 4 қават докдан тайёрланган ниқоблар тақишларини шарт. Грипп авж олганда профилактик тадбирлар шовишлик режалаштирилади. Беморларга ўз вақтида амбулатор ва стационар тиббий ёрдам берилди, уй шароитида даво олаётган беморларга фаол хизмат кўрсатилади, даволанг, болалар муассасаларида ва турғуқ-

хоналарда санитария-эпидемиология қондаларига пухта риоя қилинади, дорихоналар етарлича дори-дармонлар билан таъминланади. Аҳоли ўртасида оммавий тадбирлар ўтказилиб, касалхоналар ва болалар муассасаларида карантин тартиби жорий қилинади. Кейинги йилларда мамлакатимизда гриппга қарши кучсизлантирадиган А+В типидаги тирик диавкина қўлланилади. Вакцина дори нина орқали мушкуллар орасига юборилади. Масалан, туманимиздаги ташкилотларда, корхоналарда, автосаройларда, даволанг, болалар муассасаларида, хусусий фирмаларда ишлайдиган 4010 та ходимлар грипп касаллигининг олдини олиш учун эмланди. Гриппга қарши қўлландиган шовишлин профилактика воситалари (интерферон, оксолин суртмаси, ремантадин ва гаммоглобулинлар) касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Касаллик даврида гриппнинг антигенлик кўринишдан қатъи назар профилактика мақсадида барча кишиларга 50-100 миллиграмм ремантадин (ичиши учун) берилганда яхши натижалар олинган.

Грипп касаллигининг олдини олиш бўйича ташкилотларга, корхоналарга, даволанг, болалар муассасаларига, автобус саройларига, хусусий фирмаларга varaкарлар тарқатилди ва тўрт қаватли докдан тайёрланган ниқоблар тақиш бўйича тавсияномалар берилди ва уларнинг бажарилиши бўйича ДСЭНМ ходимлари томонидан назорат ишлари олиб борилмоқда. Тавсияномаларни бажармаган ходимларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилмоқда. Бундан ташқари грипп касаллигининг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида санитария-тарғибот ишлари кучайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, грипп касаллигининг олдини олишда организмни чиникитириш, яъни бадантарбия билан шугулланиш, тоза ҳавода сайр қилиш, тўғри овқатланиш қабили ҳам муҳим ўрин тутади.

Юқоридаги қайд этилган профилактика чоралари биргаликда қўлланилса, касалланиш кўрсаткичи шубҳасиз пасади.

**Рашид АЙНАБАЕВ,
Ҳамза туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази коммунал гигиена бўлими мудри.**

Тошкент Давлат иккинчи тиббий институтининг ректорати ва жамоаси даволанг факультети декани ўринбосари, доцент П.С.Зуфаровнинг волида муҳтарамаси

**Раҳима ая
ШЕРМАТОВАНИНГ**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

«НАФИС» пойабзални моделлаштириш масъулияти чекланган жамяти жамоаси корхона раҳбарининг ўринбосари Дилбар Ашуровага отаси

Хайрулла САМАДОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компанияда цех бошлиги бўлиб ишлаган, меҳнат фахрийси

Шорустам Шохалилович ШОТУРСУНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманиннг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

ОЙТИЛЛА: — Ҳой қизим, Жаннат! Юмушдан чарчаб келдим, ошхонада уюлиб ўтган идиш-товуқларни ювиб қўйсанг бўлмайдами?

ЖАННАТ: — Ма-ма-ша, жа қизик гапирасиз-а! Мани вобше вақтим йўғу. Кўривотсизку иш билан бандман. Тирноғимни бўяшим керак, кейин ўртоғимга званит қилишим керак!

ОЙТИЛЛА: — Уйларни супуриб қўй дегандим, кун бўйи уйда эдинг. Балконидаги кирларни йиғиб, дазмол қилиб қўйсанг бўларди қизим!

ЖАННАТ: — Уф!!! Шу мам, мани изпользовит қилиши жа яхши кўрасизда, қўлларим қадоқ бўлиб юрса яхшимми-а? Уқишдаги дугоналарим устимдан кулмайдами? Ҳали дипломний иш қилиш керак, так так манга...

ОЙТИЛЛА: — Бўпти, бўпти! Санга гапиру коч. Ҳа, айтгандай, бугун қанақа кунлигини биласанми ўзинг?

ЖАННАТ: — Вой нима девотсиз мам, еше как биламан, ман сизга тақой сюрприз тайёрлаганман, рообше қотиб қоласиз мам! Супер!

ОЙТИЛЛА: — (хурсанд бўлиб) вой суперинг қуриб кетсин қизим, сан мани туғилган кунимни унутмай, совга ҳам тайёрлайсану... раҳмат!!! (кўзларига ёш олиб) Умрингдан барақа топ болам, илойим яхши жойлардан ато этсин!

Қани совгангни кўрсатчи, бир кўрай?!
ЖАННАТ: — Қизиксиз-а мамм! Доим шовиласиз, чуть подождите, хозир кийиб чиқаман! (чолиб хонасига кетади)

КУЁВ КЎРДИ...**Интермедия**

Замонавий уйлардаги хонадонлардан бири. Ойитла опа уй юмушлари билан банд. Олифтанома кийинган, қўлида тирноқ тазалагич ва лак бўғғи ушлаган қизи Жаннат ўтиб қолади.

ОЙТИЛЛА: — Уф, хали сени умид билан катта қилиб, олган ҳурматим шуми-я? Қанча совчилар келди... бирининг ўғли у деди, бирини отсталай деди, хамиша баланд дорга осилгиси келди, манга энди ёшим ўтизга яқинлашиб ўтириб қолди. Эшигимизни тақиллатиб келадиган совчилар ҳам, уйлаб келадиган бўлиб қолишди. Вой бунинг билиб олгани чет эл музикасию, современний кийим! Тов-ба! «Ҳой, қизим, сан тенгилар, уйли-жойли бўлишиб, бир-икки боланинг онаси, рўзгор тебратшаётибди!»-десанг,

«Мамм, вой мани хозирдан пелёнкага ўралашиб қолишимни хоҳлайсизми, хали ёшман, ўйнаб-қулишим керак, замужга еше успею!» — дейди, қизи тушмагур.

Эл-юрт олдида, қўни-қўшни олдида ноқулай бўлиб қоляпти-да! Маннинг ҳам орзу-ҳавасим бор, неварами бўлиб, ўз тенгларим қаторида юргим келади...

Мана бугун бир дугонан, «Қизингизни олиб келинг, бир танишиминикига олиб бораман, ўғли жаа яхши бола, бир-бирини кўришиб маъқул тушса, зора қизингизнинг бахти очилиб кетса, дедди. Бунга гапиришга ҳам одамнинг жураги бетламай қолди ўзи... Ҳой, Жаннат!!! Қизим!!! Манга қара!

ЖАННАТ: — (ичкардан овоз) Мамм! Мани Жаннат деманг! Жани денг!

ОЙТИЛЛА: — Уф, сан қиз мани куйдирдинг-ку а? Ҳай майли Жани бўлса Жинида! Хозир сан билан иккалаемиз, дугонаниннг ўртоғиникига куёв кўргани бормоқийдик! Мабодо гапим ёқмаса, яна ўзинг биласан?

ЖАННАТ: — (Замонавий калта обрээкали қўяқанда чиқиб келади) Вой мамм, ман қачон сизнинг гапингизни қайтарганман! Сиз нима десангиз шу-да мамм!!!

ОЙТИЛЛА: — (кўриб) Вой ман ўлиб қўяқолай! (ўтириб қолади)

Ҳайтали НИЗОМИДИНОВ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳақимлиги

**Бош муҳаррир
АкмаЛ АҚРМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳаттар — 133-29-70;
яқлонлар:

133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ обфет усулида босилади.
5576 нускада босилади. Қозғоғ бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларинг почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.